



Яссавий ҳақиқати



Хожа Ахмад Яссавий тасаввуфнинг улуғ пешволаридан бири, у яссавия тарикатига асос солганлиги ва туркий тилда содда, халкчил улуғ шеърят — сўфиёна адабиётни бошлаб берганлиги билан номи ислом оламида кадрли ва мўътабардир. Ул зоти шариф исломий хақиқатлар ва тасаввуф ахкомини ажабтовур махорат билан омухта этиб, шариату тарикатни бир бутун деб билиб, имон ва садокат гояларини кизгин эхтирос ила куйлаган ва афсонавий Арслонбоб тимсолида мужассам бўлмиш туркий авлиёлар рухини пири Хожа Юсуф Хамадонийдан қабул қилган Хуросон сўфиёна таълимотига кўшиб, ўз халқини юксак маърифат ва илму ирфонга хидоят этди.

Хожа Ахмад Яссавий карашлари мохиятини англаш учун, шубхасиз тасаввуф таълимоти рукнларига мурожаат килиш лозимдир. Тасаввуф ўзини англаш ва шу оркали Аллохни севиб таниш ва билиш илми хисобланади. Ўз-ўзини англаш, ўз нуксонларини, айбу кусурини англаш демакдир. Шундай экан, тасаввуфни инсоннинг ўз вужуди, нафсига карши исёни, ўз-ўзидан коникмаслик норозилиги сифатида талкин этиш ўринлидир. Шайхларнинг ўз-ўзини мазаммат этиши, сурункали риёзатни бўйнига олиб, махрумликларга кўниши, ҳеч нарса билан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган буюк бир рухоний поклик оламига интилиши шу билан изоҳланади. Бу риёзат ва иродат зикр ва самоъ, жазав ва нолалар, муножот ва тоатлар, маънавий суҳбатлар, каромат ва ишоратлар, чиллада чилтанлар билан суҳбат куриш, хилватда Ёр хаёли билан унс тутмоқ, ирфоний кашфиётлар йўлидаги тасвирлаб бўлмас завку сурур нашидасидан иборат бўлган. Тасаввуф ахли илох маърифатини козонишни инсон камолоти, ахлокий покланиш йўли, инсоннинг инсонлигини очиш, унинг руҳини шайтон чангалидан куткариш чораси деб хисоблар эдилар. Ҳақ ва ҳақиқат гоёси, рухий фароғат хисси, тафаккур корхонаси, ижод — яратиш ниятлари ушбу таълимот бағрида паноҳ топиб, ривожланган. Албатта, авжу мавжлари, кирралари хилма-хил бу таълимотнинг ҳамма томонлари Ахмад Яссавий ижодида акс этган дея олмаймиз. Жуда чуқур фалсафий тизимларни Яссавийдан кидириш ҳам зўрма-зўраки сунъийлик бўлар эди. Ахмад Яссавий аввало курашчи бир инсондир. Унинг асарлари курук насихатлар йигиндиси (гарчи насихат-танбех оханги мавжуд бўлса-да) ҳам, тасаввуф ва шариат хақидаги бетараф карашлар, мулоҳазалар баёни ҳам эмас, балки шаррга-ёмонликка нафрат, эзгулик — хайрни химоя этувчи зарбали сатрлардир. Яссавийнинг жуда кўп фикрлари, шу боис газабкор бир охангда жаранглайди, шоир дунёни тарк этиш, зулмга чидаш, ишк-муҳаббат, дарвешнинг риёзату каромати хақида ёзар экан, буларнинг ҳаммаси, биринчидан, тасаввуф таълимоти талабларидан келиб чиқишини, иккинчидан, шоирнинг илохсевар ва инсонсевар калби нидолари эканини эсда тутмоғимиз керак. Бу ерда Ахмад Яссавий карашларининг бир жихати, яъни таркидунёчилик акидаси устида тўхтаб ўтишни лозим топдик. “Девони хикмат”да ўқиймиз:

Аё дўстлар, пок ишкини кўлга олдим,
Бу дунёни душман тутиб юрдим маню.
Ломаконни сайр этибон макон оштим,
Дунё-ўқбин юз минг талок кўйдум маню.

Шунга ўхшаш “дунё харом”, “дунё палид”, “дунё моли хирсу хаво кони” каби таъриф-тавсифларни Яссавий шеърларида кўп учратамиз. Хўш, нега дунё душман, нега уни тарк этиш керак?

Ахмад Яссавий ва умуман барча тарикат ахли фикрига кўра, илох йўлини танлаган солиқ дунёвий алокалар, яъни мол-мулк билан ташвишлардан халос бўлиши лозим (Шу ўринда муҳлис-ихлос-халос-махлас сўзларининг бир ўзакдан экани, то халос бўлмай сўфий бўлиш мумкин эмас, деган фикрга эътибор килинг). Шундагина со-ликнинг калби буткул Аллох ихтиёрида бўлади. Аллохнинг гайри (Ракиб) ёдидан кутулади. Чунки Худо муҳаббати ва дунё муҳаббати бир-бирини инкор этувчидир. Ахир аждодларимиз хаёт деб, тириклик деб руҳни ва унинг сохиби Тангрини билганлар. Моддийликни улар латиф руҳнинг зидди — зиндони хисоблаганлар, жумладан, вужудимиз ҳам. Хаттоки, дунёдаги хаёт, тириклик неъматни охиратдаги абадий хаёт учун сарфланувчи восита, холос. Айни

хакикат бўлган бу караш берилса, унинг ишки ёлгон, килмиши риё, халкни гумрох этувчи шайтондир, дейди Ахмад Яссавий.

Албатта, бизнинг заминий тор тушунчаларимиз билан ўлчанганда, Яссавий даъватлари гайри табиий, гайри инсонийдай бўлиб туюлади. Лекин тасаввуф ичига чуқурроқ кириб борсак, тарки дунёчилик гоёси хаётга зид кўз караш бўлмай, балки теран инсонсеварлик гоёси эканини англаб оламиз. Масалан, дунё тарикат акли нуктаи назаридан куйидаги маъноларга эга:

Дунё — махлукот олами, моддий борлик.

Дунё — жисм, инсон бадани.

Дунё — давлат, бойлик.

Дунё — нафс, зулмат, коронгилик тимсоли.

Дунё — мажоз, образ, фонийлик, ёлгон мавжудлик рамзи.

Дунё Холик яратган махлукот олами, ўткинчи, фоний экан, у ҳеч кимга вафо килмайди.

Шунинг учун у мухаббатимиз, меҳримизга арзимамайди. Хакикий бокийлик, абадий

Парвардигорга мухаббат — абадиятга мухаббат бўлиб, у чин мухаббатдир. Парвардигор маънавият ва файз кони, инсон рухининг асл илдизидир.

Бу фикрлар инсон хилкатининг жисм ва руҳдан иборатлиги, инсонни жисми эмас, балки руҳи муқаррам этиши хақидаги караш билан уйғунлашиб кетади. Инсоннинг инсонийлиги унинг руҳоний жавҳари, яъни илохийлигидадир. Шу боис руҳонийлик канча камол топса, инсон шунча муқаммаллашади, покланади.

Аммо энг муҳими шундаки, Яссавий назарида дунё меҳр-мухаббатга арзимагани учун, уни севганлар ҳам бахтли эмас. “Бу дунёда лаҳза фориғ бўлмок кайда”, деб ёзади у алам билан. Дархакикат ҳам дунёда орому осойишталик, фароғат йўқ. Инсон хамиша ташвишу гамда, ташвишлари эса майда ва умрни кемирувчи, маънавиятни беркитувчи. Холбуки, инсоннинг бош вазифаси — ўз Тангрисини таниш, унга интилиш бўлмоги керак.

Шу муносабат билан Яссавий инсон ва руҳ, лохут олами ва носут олами (яъни, жисмоний олам), руҳнинг жисм ичра изтироблари, жисмоний талаблар билан руҳоний-маънавий талаблар орасидаги зиддиятлар хусусида фикр юритади. Инсон фожеасини

туб-тубидан идрок этишга жазм этади. Инсонни канчалик чуқур англаганинг сари ундан хафсаланг пир бўлади, кўнглинг қолади, унинг ожизлиги, ноқобил ва ноқислигини кўриб ҳам раҳминг келади ва ҳам газабинг кўзгайди. Бу ночор махлукнинг айбларини ўзига

кўрсатиб, илохий мартабага хидоят этмокчи бўлади вали-юллоҳ. Воқеан, инсонпарварлик нима? Инсондаги нуксонларни очик-равшан айтиб, шу нуксонлардан кутулиш йўлини кўрсатишми ёхуд уни “буюксан”, “улугсан” деб мак-ташми? Менимча, биринчи йўл афзал ва фойдали. Инсоннинг ожизликларини кўрсатиш, уни мазаммат этиш, бадбинлик эмас.

Аксинча, чин гуманизм инсон учун кайгуришдир. Инсон учун кайгуриш эса, унинг нуксон ва гунохларини кўрсатиш, тўғри йўлга бошлаш ҳисобланмоги керак. Қуръони Каримда ҳам Парвардигори олам инсоннинг муқаррамлиги, шамойили гўзаллиги, Ердаги “халифа” экани, фаришталар унга сажда этгани хақида оятлар юбориш баробарида, инсоннинг норасолиги, гумрохлиги, манманлиги ва хоказоларни ҳам кўрсатиб, буни нуксон сифатида кўрсатган. Хатто, барча иллатлар одамдан, барча яхшилик Оллоҳдан деган карама-карши мазмунли оят ҳам келтирилади “Қуръон”да. Водарего, одамнинг шайтон гапига кириб, ақл дарахти мевасини татигани (ёки бугдойни егани) ва оқибатда жаннатдан қувилиши ҳам унинг камчилиги, нукси, гуноҳи, ахир. Шундан бери инсон савобу гуноҳ, хайру шарр, жаннату дўзах, Хурмузд ва Аҳриман, нуксу камол, раҳмон ва шайтон орасида саргардондир, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ён босиб, гоҳ гофил ва гоҳи

хушёр бўлиб, умр ўтказиб келмокда...

Ахмад Яссавий тарикат изтироблари, ажзу азият чекиш йўли билан инсонни поклаб, нуксонлардан, нохуш феъл-атвордан халос этиш мумкин, деб ўйлайди. Тарки дунё ана шу тадбирининг бошидир. Зеро, илохий маъна-виятга талпинувчи, поклик ва покизаликни, хакни севувчи хар бир ориф, Мутафаккир шахсда узлат ва хилватга эхтиёж, согинч бор. Шундай килиб, тарки дунёчилик ошиқ рухнинг талабидир:

Дунё кўймай, хол илмини билса бўлмас.

Сўфий — илох ошиги, унинг кўнглида Оллохдан ўзга нарса бўлмаслиги керак. Бундай одам кандай килиб дунёга боғлансин? Тарки дунёнинг ёркин намунаси Иброхим Адхам саргузашти, кўп шайхлар катори Яссавий ҳам Иброхим Адхамни ибрат килиб кўрсатади. Иброхим Адхам калбида илохий ишқ жўш ургандан кейин Балх шахрида тахт-тожи, бола-чакасини ҳам ташлаб, хирка кийиб дарвеш бўлган эди. У Худо мухаббатини фарзанд мухаббатидан ҳам баланд кўйди. Ахмад Яссавий ўзи ҳам Иброхимга эргашмокчи бўлади, аммо тарки дунё хакида кизгин даъватлар килган шоир шу ерга келганда юраги ларзага тушиб, мана бундай сатрларни битади:

Оллох учун фарзандларим етим килсам,
Жондан кечиб, молдан кечиб гариб бўлсам,
Биёбонда ялгуз коздек нола килсам,
Нечук илож этаримни билмам, дўстлар!

Бир томондан илохий ишқтуғёни, иккинчи ёқдан, ахлу аёл, фарзанд мухаббати шиддати бакамти келган. Ориф инсон калбидаги дардли фожеа, нозик рухий мушкилот тасвирланади. Яссавийнинг мазкур гоёлари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий асарлари билан ҳамохангдир. Чунки Аттор “Илохийнома”, “Жавхаруз зот” номли дostonларида фарзанд мухаббати билан Худо мухаббатини кўп марта киёслаган. Шунини айтиш жоизки, Яссавийнинг ўзи олтмиш уч ёшга киргунча оиласи, фарзандлари билан умр кечирган, боғбонлик килган, косатарошлик касби билан шугулланиб, муридлар тарбиялаган. Бирок, ўшанда ҳам шайхул машойихнинг калбида илох мухаббати устун эди, у дунёга эътибор килмас, нафсни одамни бузадиган нарса деб қарарди. Бу эътикод унда ота мерос бўлиб, Арслонбоб ва Юсуф Хамадоний тарбияси туфайли яна кучайганди. Зотан, тарки дунёчилик — бу ахир авлиёлар тавбаси, улар миждозига бу сут билан киргандир. Авлиёлар тарки дунё килишни барчадан талаб килган эмаслар, чунки узлатнишинлик, зикру самоъ дарвеш “насибаси” (улуши). Яссавий ўзини факирлар зумрасига киритади ва бу билан фахрланади. Факир эса дунёнинг асбобу ахволидан ҳеч нарсага эга бўлмаган, ҳеч бир тамаъу даъвоси бўлмаган киши, факирларнинг Оллох дийдоридан ўзга талаблари йўқ. Факирликни инсонийлик мохияти деб билиб, ганийлик, эгаликни Оллохнинг сифати ҳисоблайдилар. “Девони хикмат”да ёзиладики, Яссавий руҳи хали у тугилмасдан Илохга ошиқ эди. Чунки хазрати Пайгамбар алайҳиссалом Меърож тунида кўкда факр хайкалини кўрдилар (нур шаклида). Бу менинг руҳим эди, деб ёзади Ахмад Яссавий:

Меърож узра ҳақ Мустафо руҳим кўрди.

Ўшал рухким, Ахмад онаси хамлида пайдо бўлган куни унинг вужудига кирган эди ва танаси билан бирга яшади. Бирок, ушбу рух танага кирмасдан аввал хам баркамол ошик бўлиб, “қўз ёшли, боши эгик, қадди хилол эди”. Яъни тоат-ибодатга мойил, комил мусулмоннинг рухи эди. Шу боис бу рух танага кирган захоти, жисм билан келишолмай, ўз аслига караб интилди:

Тўккиз ою тўккиз кунда ерга тушдим,
Тўккиз соат туrolмадим, кўкка учдум.

Чунки бу рухнинг ватани Тангри хузури, жабарут оламидир. Шунинг учун у аршу самоларни сайр кила олади, хакка роз айтади, жисмоний талаблар, яъни хирсу хавас, хасад ва манманлик, лаззатпарастлик тимсоли нафс билан жиход бошлайди. Нафс эса дунё демакдир. Бошкacha айтганда тарки дунё килиш — тарки нафс килиш, шайтоний хирсларни жиловлаш демак:

Нафс йўлига кирган киши, расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб тузиб гумрох бўлур,
Ётса-кўпса, шайтон била хамрох бўлур,
Нафсни тепгил, тепгил, эй бадкирдор!

Нафсга нафрат Ахмад Яссавий шеъриятида кучли ифодаланган. Инсон зотини бузиб, хароб этган, энг кабиҳ ишларни килишга йўллаган нарса унинг нафсидир. Жахонгирлик, уруш ва вайронагарчиликлар, бехисоб киргин ва шафкатсизликларнинг сабаби хам нафс. Солих инсон аввало нафсини енгади. Фанофиллохга йўл очаман десанг, нафсни ўлдир, яъни “ўлмасдан бурун ўл”, деб таъкидлайди туркнинг улуг мураббийси. Аммо бу йўл огир ва машаккатли. “Жондан кечмай ишк шаробини ичса бўлмас”. Яссавий “хикмат”ларида “Муту анта кабла муту” (Ўлмасдан бурун ўлинг), “Ман арафа нафси арафуху рабби” (Кимки ўз нафсини таниса, раббини танийди), “Дунё ва дирхамларга кул бўлганларга лаънатлар бўлсин”, деган хадислар келтирилади. “Ўлмасдан бурун ўлмок” — тирик туриб нафсни ўлдириш бўлса, “Кимки нафсини таниса, раббини танийди” хадиси нафснинг ёмонлигини англашга ишорадир. Демак, нафснинг ёмонлигини англаган унга карши курашади ва шу кураш уни раббини танишига кўмаклашади. Шундай килиб, дунё алоқасидан кутулган ошик инсон тарикат боскичларини ўтаётиб, ўзидаги ёмон хислатларини тарк эта боради ва яхши сифатларни касб этади. Натижада бойлик тарки, нафс тарки ёмон хулк-атвор, золимлик ва шафкатсизликни тарк этиш билан баравар давом этади, Солих изтиробларга сабр килиб, худо ёдида яшаб, зикру тоатни канда килмай, калбини илохий нурга тўлди-риб боради. Маълум бўладики, тарки дунё деганда Ахмад Яссавий бойлик тарки, кишининг ўзидаги ёмон хислатлар тарки баробарида ёмон одамлар, золим ва нодонлар таркини хам назарда тутди. У дейди:

Тарикатни шавку завки куймок-ёнмок,
Хакдан кочкон ножинслардан кочиб тонмок,
Юз минг турлук жафо текса, бўюн сунмок.

Хакдан кочганлардан кочиш. Хамма гап ана шунда. Хакдан кочганлар — имонсизлар,

ножинслар, каззоб, фирибгарлар. Хакдан тонганлардан тониш эса тасаввуф ахлининг имонидир. Шоир олтмиш уч ёшга кирганда ўз хонакосининг бир бурчагида ер ости хужра ясаб, энди менга ер юзида яшаш харом деб шу хужрага кириб кетади. “Девони хикмат”даги бир туркум шеърларида бу узлатнинг сабаблари тушунтирилади. Бу сабаблардан бири-Расули акрамга мухаббат, сидку садокат ибрати бўлса, иккинчиси нодон ва ножинслар, худобеҳабарлардан кочиш эди:

Ер остига кочиб кирдим нодонлардан,
Доно топмай ер остига кирдим мано.

Хуллас, тарки дунёчиликни ижтимоий зарарли ходиса деб билиш у қадар тўғри эмас. Буни ошик калбнинг эҳтиёжи деб караш лозим. Одамлар тарки дунё килган чин сўфийларга караб ибрат олганлар, яхшилик килиш, меҳру шафкат кўрсатиш, Худодан кўркиш хисси пайдо бўлган.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, дунёга нафрат факат сўфийларнинг гоёси эмас. Ушбу гоё тасаввуф пайдо бўлишдан анча олдин бор эди. Қадимги бобилликлар, форслар, юнонларнинг ёзма ёдгорликлари, айникса, хинд эпосларида дунёнинг бевафолиги, инсонлардан дўстлик ва садокат кутиш хато эканлиги хақида фикрлар мавжуд. Тасаввуфга алоқаси бўлмаган Абул Фараж, Абу Нувос, Ал Бухтурий, Абу Аъло каби араб шоирлари, Рудакий, Фирдавсий каби форс-тожик шоирлари ижодида фалақдан шикоят оханги, инсондан норозилик туйғуси акс этган. Абу Аъло инсон зотини лаънатлаб шеърлар ёзади, “мен отамнинг хатосиман” дея ўзидан ҳам нафратланди. Аммо жахоннинг бирор тадқиқотчиси Абу Аъло ал Мааррийни реакцион ёки бадбин шоир демайди. Аксинча, у арабларнинг буюк гуманисти сифатида тилга олинади. Чунки Абу Аъло инсонлар бадбахтлиги, нуқсу касофати, жаҳолат ва вахшийлигини нафратли сўз билан фош этарок, чин инсон учун курашган эди. Ахмад Яссавий ҳам шундай килди. Фарқи шундаки, у буни тасаввуф гоёлари ёрдамида амалга оширди.

Яссавийнинг тарки дунёчилигини зоҳидлар тарки дунёчилигидан ҳам фарқдаш керак. Зоҳидлар таквоси тагида жаннатдан умидворлик, яъни тамаъ мавжуд бўлса, сўфийлар тарки дунёчилиги замирида мухаббат ётади. Сўфий тафрид ва тажрид билан руҳини поклаб, ҳаққулякин мартабаси сари кўтарилади, фано ҳолати нашидасидан лаззат олади. Шунга асосан, Яссавийнинг муқаддас рух тили билан айтган “хикмат”ларини реакцион, гайриинсоний дейиш нотўғри. Хўжа Ахмад Яссавий умр бўйи мазлумлар, етим, гарибларни химоя килди, ўз халқасига олди. Дарвешлар, софдил, солих одамлар унинг таълимотини қабул килиб, эл орасига ёйдилар. Шоир порахўрлик, хирсу ҳасадни, жаҳолатни танқид килди, харом еган козилар, ришва олган муфтиларни, риёкор шайхларни мазаммат этди. Буми “реакцион” гоё?

Ахмад Яссавий шеърляти энг халқчил ва халқсевар, ҳақсевар шеърлятдир. Унинг гоёлари инсоният қозонган энг ардоқли гоёлар қаторида абадий яшаб қелаверади.

Нажмиддин Комиловнинг
"Тасаввуф" китобидан